

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

Т.УСМОНОВ, Л.Х.ИРМУХАМЕДОВА, Г.Л.ФЫРЛИНА, М.Н.САТТАРОВ

**ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ
ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ
ВА ТЕХНОЛОГИЯСИ**

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Илмий Кенгаши томонидан 5450200 - “Сув хўжалиги ва мелиорация” бакалавриат таълим йўналиши талабалари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган.

Тошкент -2020

Ўқув қўлланма институт Илмий Кенгашининг « 30 » январь 2020 йилда бўлиб ўтган 7–сонли мажлисида кўриб чиқилди ва чоп қилишга тавсия этилди.

UDK 631.6.626

Тақризчилар: **Ў.Хусанходжаев** - Тошкент архитектура-қурилиш институти, “Замин ва пойдеворлар” кафедраси доценти, техника фанлари номзоди.

Н.Рахматов - ТИҚҲММИ, “Гидротехника иншоотлари ва муҳандислик конструкциялари” кафедраси доценти, техника фанлари номзоди.

Ушбу ўқув қўлланмада сув хўжалиги объектларини қуриш, таъмирлаштиклаш ва реконструкция қилишда бажариладиган иш турлари ва уларни бажариш тўғрисида маълумотлар келтирилган. Ўқув қўлланмада фан бўйича умумий маълумотлар, сув хўжалиги объектлари тўғрисида маълумотлар, бажариладиган ишларни ҳажмларини, объектни қуриш, таъмирлаш-тиклаш ва реконструкция қилиш ишларининг давомийлигини аниқлаш, зарур бўлган машиналарни танлаш шартлари, машиналарнинг иш унумдорлиги ва сони аниқлаш, зарур бўлган ресурслар миқдорини аниқлаш учун ресурс қайдномаларини тузиш ва ишларни бажаришни технологик схемаларини чизиш бўйича кўрсатмалар берилган.

Ўқув қўлланма амалдаги фан дастури асосида ёзилган бўлиб, 5450200 - “Сув хўжалиги ва мелиорация” бакалавриат таълим йўналиши талабалари учун мўлжалланган. Ушбу ўқув қўлланмадан турдош бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари талабалари хам фойдаланиши мумкин.

Т.Усмонов, Л.Х.Ирмуҳамедова, Г.Л.Фырлина, М.Н.Саттаров

“Гидромелиорация ишларини ташкил қилиш ва технологияси”, Ўқув қўлланма, Т-2020й., 226 б.

© Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, 2020.

СҮЗ БОШИ

Бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатларнинг асосий давлат аҳамиятидаги масаласи етук ва рақобатбардош кадрларни етишириш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида ҳам билимли кадрларни тайёрлаш, уларнинг қобилиятини ошириш ва рақобатбардошлигини тъминлаш мақсадида «Таълим тўғрисидаги қонун» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» (1997 йил) қабул қилинган. Олий таълим тизимидағи ислоҳотларни амалга оширишда давлат бош ислоҳотчи вазифасини бажармоқда. Таълим соҳасида қонунлар, дастурлар ва амалга оширилаётган ишлар учун асосий мақсад қилиб, билимли, ишбилармон ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш масаласи қўйилади. Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ ресурс мустақиллигига эришишни тактик ва стратегик вазифа қилиб белгилади. Хусусан, энергетика, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган мустақиллик шулар жумласидандир. Бу вазифаларни амалга ошириш учун табиатни сув хўжалиги иншоотларини барпо этиш устувор вазифалар қилиб белгиланган.

Мамлакатимиз Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги фармони суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш орқали қишлоқ хўжалигини юксак даражаларга қўтаришга бағишилангандир. Мелиоратив тизимнинг талаб даражасида фаолият қўрсатишда, замонавий сув хўжалиги иншоотлари қурилиши мавжуд иншоотларнинг капитал таъмирланиши ва реконструкция қилиниши муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Юкорида кўрсатилган вазифаларни бажаришлиши учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2013 йил 19 апрелда, ПҚ-1958-сонли ва 2017 йил 28 ноябрда Узбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3405 карори «2018-2019 йилларда ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури тўғрисида» қарорлари қабул қилинди.

Ўрта Осиё ҳалқлари, жумладан Ўзбекистон ҳалқи сув хўжалигини бошқаруви бўйича тарихий тажрибага эга. Тарихий манбалар ва археологик тадқиқотлар Ўрта Осиёда сув хўжалигининг ривожланишини, сув ресурсларини бошқаришни эрамиздан олдинги 2500-3000 йилларга боғланади. «Ўзбекистон Ирригацияси» тўпламида Самарқанд вилоятида ҳозиргача харобалари сақланиб қолган Хонбанди (XII аср), Абдуллахонбанди (XVII аср), Зарафшон дарёсидаги сув айиргич иншооти (XVII аср)нинг сақланиб қолган қисмлари ота боболаримизнинг юксак ақл заковатли ва юқори тажрибали эканликларидан далолат беради. Буюк шоир Алишер Навоий ўзининг “Фарход ва Ширин” достонида сув чиқариш масаласини ҳалқнинг асрий орзуси деб ёзган бўлса, шоҳ Бобур авлодлари 1587 йили Хиндиstonдаги Қизил қалъа саройида чуқурлиги 145 м бўлган ичимлик суви кудуғини қурдирган ва у ҳозирги вақтгача сақланиб қолган. Давлат иқтисодини бошқаришда дарёдаги сув сатҳинининг ўзгариши ўлчов қилиб белгиланган. Бунга буюк ватандошимиз

Аҳмат ал Фарғоний асос соган. Унинг ихтироси бўйича Нил дарёсига курган сув ўлчаш иншооти 1150 йилдан ошиқ ишлатганлигини кўрсатиш мумкин. Сув илмига катта эътибор берилган. Сув оқимини ростлаш, тақсимлаш, дарё ўзанини мустаҳкамлаш ва бошқа шунга ўхшаш иншоотларни қуришда “тўғончилар” ва шунга ўхшаш номлар билан аталувчи, маҳсус тажрибага эга бўлган мутахассислар ишлаган. Ўтмишда кадрлар масаласигаadolatli ёндашилган. Ариқ мироби, оқсоқоли ва шу каби лавозимлар мавжуд бўлиб, уларни тажрибали ва билимдон кишилар бошқарган. Магистрал каналлар оқсоқоллари давлат ваколатли органлари томонидан тайинланган бўлиб, уларнинг хукуқ, мажбуриятлари ҳамда вазифалари аниқ белгиланган.

Ўзбекистондаги гидротехника иншоотлари ҳар 100 га суғориладиган майдонга 2 тадан тўғри келади. Республикада 65 дан ошиқ сув омборлари ва селдан сақлаш иншоотлари эксплуатация қилинмоқда. Бугунги кунда сув омборлари қурилиш ва реконструкция ишлари ҳам амалга оширилмоқда. Бу иншоотларни қуриш ишлари ҳамда сув хўжалиги обьектлари иншоотларини қуриш учун етук ва малакали кадрлар этиштириб бериш давлат аҳамиятидаги долзарб вазифалардан биридир. Худди шу мақсадда Вазирлар Маҳкамасининг Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини ташкил этиш тўғрисидаги 150 сонли ва Республика сув хўжалиги учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги 415 қарорлари алоҳида аҳамиятга эга.

Ушбу қўлланманини ёзишда “Гидромелиорация ишларини ташкил этиш ва технологияси” кафедраси доц. Ф.Т.Даврановнинг ҳам бир қатор маълумотларидан фойдаланилди. Ўқув қўлланма бўйича билдирилган фикр ва мулоҳазалар муаллифлар томонидан мамнуният билан қабул қилинади.